



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 77 (13.410)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва оқойиш-талиқни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан қўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳалаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган куйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва оқойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзага келётган ҳавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпналиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда. Хусусан:

Биринчидан, республика, ўрта ва куйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишнинг пировард натижаси учун шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштирмоқда;

Иккинчидан, амалдаги ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситалардан оқилона фойдаланишни таъминламайпти, оқибатда марказий ва ўрта бўғиннинг баъзи хизматларида етарли иш ҳажми бўлмай туриб, керагидан ҳам ортиқча штат бирликлари сақланиб турган бир пайтда, куйи бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланишига олиб келмоқда;

Учинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигига қолмоқда, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмайпти;

Тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаси қўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмайпти, мурожаатларга расмийликнинг ўрнига жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда;

Бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг тасвирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаёпти;

Олтинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар

асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва барта-раф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар кўрилмаёпти;

Еттинчидан, ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жинсий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилма-япти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаёпти;

Саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайди, порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди;

Тўққизинчидан, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилини-шини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

Биринчидан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан "Халқ манфаатларига хизмат қилиш"ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Бугун мамлакатимизда мебел саноати тобора ривожланиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бир эсланг, мустақилликка қадар

саноқли мебел корхоналари фаолият юритмасмиди? Эндиликда биргина пойтахтимизнинг ўзидан юздан ортиқ мебел ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларини кўриш мумкин.



СИФАТ, ҚУЛАЙЛИК ВА ШИНАМЛИК БОШ ШИОРИМИЗ

Пойтахтимиздаги "COMODO EXCLUSIVE" корхонаси маҳсулотлари ўзининг сифати ва бежиримлиги билан алоҳида ажралиб туради. Дастлаб, "Этикод" номи билан фаолият кўрсатган корхона бугун давр тараққиётдан келиб чиқиб, ўз брендини янгилади.

1995 йили дастлаб атиги 3 киши билан иш бошлаган жамиятда бугунга келиб 120 дан ортиқ ишчилар меҳнат қилмоқда. 2016 йилда корхона ишчилари томонидан 7 миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 20 фоизи экспортга йўналтирилган. Ҳа, бу гапиришга осон. Бунинг ортида тинимсиз изланиш, машаққатли меҳнат, фидойилик ётибди.

Замон талабидан келиб чиқиб, технологияларимиз муттасил янгилаб борамиз, дейди корхона раҳбари Абдуғани Қосимов. Цехларимизда Италиядан, Чехиядан келтирилган энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар ўрнатилган. Булар маҳсулотнинг сифатли ишланишига ёрдам беради. Маҳсулотларимизга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бормоқда. Шу йилнинг 20 март куни Россияда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада корхонамиз ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Унда хорижий давлатлардан буюртмалар олиб, янги шартномалар тузишга эришдик.

Ҳа, кичик бизнес доимий изланиш талаб этадиган соҳа. Бу ерда маҳсулотлар қаттиқ ёғоч, чинор, қайрағоч ҳамда Россия давлатидан келтирилган хом ашёдан тайёрланади. Корхона маҳсулотлари ўзига хос дизайн ва қулайликка эга. Стул, стол,

кресло, шкафлар, эшик ва ромлар, ошхона ва ётоқхона мебеллари, офис учун мебеллар дид билан ишланганини кўриб, беихтиёр усталар меҳнатига таҳсинлар айтасиз.

Яқинда яна бир жой олди, бу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириб, янги иш ўринларини ташкил этамиз, дейди корхона раҳбари. Давлатимиз томонидан яратиб берилган имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, экспортни 30 фоизга оширмоқчимиз, агар шунга эришсак, ягона солиқ тўловимиз 50 фоизга қисқаради. Тежаб қўлингдан маблағга янги лойиҳаларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

"COMODO EXCLUSIVE" масъулияти чекланган жамияти ўз даромадида ҳомийлик ёрдами кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Ўтган йили Республика кўз касалликлари шифохонаси болалар бўлими бево-сита корхона маблағи эвазига мукамал таъмирлаб берилди. Айни пайтда корхонада таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Корхона вилоятларда ўз савдо дўконини очган, пойтахтимизнинг учта ҳудудида савдо дўконлари ишлаб турибди, тайёр маҳсулот мижозларга элтиб, ўрнатиб берилади. Шунингдек, "COMODO EXCLUSIVE"нинг Қозғистонда савдо уйи очилган бўлиб, бу маҳсулотларни хорижий давлатларга чиқаришда қўл келмоқда. Тўғри, корхона маҳсулотлари бироз қимматроқ, аммо сифати шунга яраша. Мижозларга ўзлари хоҳлагандек сифатли маҳсулот тайёрлаб берилади. Бу энг муҳими. Шунда ишлаб чиқарувчи ҳам, мижоз ҳам рози бўлади.

З.ШАРИФЖОНОВ

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, юртдошларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуруламал бўлаётир.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройида "Ҳаракатлар стратегияси – тараққиётнинг янги босқичи" мавзусида ташкил этилган анжуманида бо алоҳида таъкидланди.

Миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, ҳавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар бу борада мустаҳкам пой-девор бўлиб хизмат қилмоқда.

Тараққиётнинг янги стратегиясида яқин беш йилликда мамлакатимиз забот этилиши назарда тутилган улкан довоилар, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг механизми аниқ белгилаб берилган. Унинг асосий мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишини таъминлаш учун шароит яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётимизнинг барча соҳаларини янада

эркинлаштиришдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимиз ҳаётида муҳим воқеалик бўлди, дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари А.Усмонов. Шу асосда ҳаётга татбиқ этилаётган амалий саъй-ҳаракатлар янги тараққиёт марраларини эгаллаш, замон шиддатига мос тарзда ривожла-

ниш, халқимиз манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фаолияти аҳоли билан ишлаш, унинг манфаатларини таъминлаш бўлган тузилмалар янада такомиллаштирилаётгани эътиборга молик. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари раҳбарларининг халқ билан бево-сита мулоқоти йўлга қўйилгани бунинг яққол тасдиқидир.

(Давоми 3-бетда)



Термизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонун ва қарорлар, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳиятини маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва аҳолига етказиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани "Хумсон" кишлоқ фуқаролар йиғинида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи ва табиатни муҳофаза қилишга бағишланган экологик акция бўлиб ўтди. Акция доирасида "Акмал – Наргис – Аббос" фермер хўжалигининг ер майдонига 150 дан ортиқ туп турли мева дарахт кўчатлари ўтказилиб, ярим гектарлик янги боғ барпо этилди.

Навоийда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги "Қамалак" болалар ташкилоти томонидан "Энг намунали сардорлар кенгаши" танловининг мамлакат босқичи ўтказилди. Танловда ғолиб бўлган жамоа "Қамалак" кубоги, махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Жамоа жорий йилнинг май ойида ўтказиладиган "Қамалак" болалар ташкилотининг

"Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун" шiori остидаги анъанавий анжуманида иштирок этади.

Андижонда "Халқ билан мулоқот – инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли йўли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Андижон вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, ҳуқуқшунослар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси вакиллари, журналистлар қатнашди.

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар, хунармандлар фаолиятини рағбатлантиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Эквадор президенти Рафаэль Корреа сайловлар чоғида киберхужум уюштирган Шимолий америкалик ҳакерларни айбла-ди.

Канаданинг ғарбий қисмида рўй берган қор кўчкиси натижасида беш киши бедарак йўқолди.

Россиянинг Таганрог шаҳрида кўп қаватли уйда маийш газнинг портлаши натижасида учта хонадон бутунлай вайрон бўлди, ўнта уйга зарар етди. Портлаш оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмди, яна иккита одам жароҳатланди. Ҳозирда ҳодиса сабаб-лари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ,
ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРНИНГ
МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иккинчидан, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, баҳариллаётган ишлар муҳимлиги ва қўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;

Учинчидан, халқ билан аниқ максадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама қўмаклашиш;

Тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, мурожаатларни қўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаси ва расмийлик билан ёндашуларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун вақолат доирасида барча воситаларни ишга солиш;

Бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийлигини таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

Олтинчидан, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига мурасасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олиншини таъминлаш;

Еттинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ҳолатларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;

Саккинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

Тўққизинчидан, ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

Ўнинчидан, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароит-

лар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш.

2. 2017 йил 1 октябрдан қуйидаги тартиб ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи ешитилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлари Кенгаши томонидан ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирини, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари ешитилади;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ҳисоботлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимаси) бошлиқларининг ҳисоботлари ешитилади.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ешитилаётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан қўрилатган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгилаб қўйилсин.

3. Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси негизда – Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси;

Эксперт-криминалистика маркази ва Эксперт-портлатиш техникаси маркази негизда – Эксперт-криминалистика бош маркази;

Молия-иқтисодий бошқармаси, Моддий-техника таъминоти бошқармаси, Ҳўжалик бошқармаси, Капитал қурилиш бошқармаси негизда – Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси;

Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг Халқаро ҳамкорлик бўлими ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўлими негизда – Халқаро ҳамкорлик бошқармаси.

4. Қуйидагилар:

Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментига;

Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати Кадрлар бош бошқармасига;

Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармасига;

Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига;

Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармасига;

Котибият Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасига;

Алоқа бўлими Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасига;

Транспортдаги ички ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасига, тармоқ ички ишлар бошқармалари (бўлимлари, бўлинмалари) транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларига;

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти Ҳарбий-техника институтига;

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби Ёнғин хавфсизлиги институтига;

сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларига ўзгартирилсин.

5. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимаси) бошлиги лавозими жорий этилсин ва у профилактика инспекторлари ишини, авваломбор, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишнинг самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар бўлиши белгилансин.

6. Қуйидаги устувор йўналишлар назарда тутилган Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар;

ички ишлар органларининг фаолиятини очик ва ошқор, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмларини жорий этиш, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ички ишлар органларининг моддий-техника базаси, ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй-жой-مائий шарт-шароитларини янада яхшилаш;

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастурини амалга

ошириш бўйича Махсус комиссия 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия (А.А.Азизов):

вазирлик ва идоралар мутахассислари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг етакчи олимлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини жалб қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини тўзсин ва уларнинг самарали иш олиб боришини ташкил этсин;

қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти чўқур танқидий таҳлил қилинишини ва илғор хорижий тажриба ўрганилишини, шу асосда Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланишини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари изчили ва сифатли тайёрланиши, ўз вақтида қўриб чиқилиши ва белгиланган тартибда киритилишини, шунингдек бошқа тадбирлар амалга оширилишини доимий назорат қилсин.

8. 2025 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастур тадбирларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, техника, алоқа тизими ва воситалари, дастурий таъминот маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий-техник восита ва ресурслар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувлари учун йигимлардан ташқари) озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ҳафта муддатда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ички ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ички ишлар органларининг янги ташкил этилаётган бўлинмаларини жойлаштириш, жиҳозлаш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича асосланган тақдирлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ,
ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА
УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кеңиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазаоловчи, назорат қилувчи органдан халқ, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар яқини бўйича жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди. Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга йўналиштирилган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Тергов-қидирув фаолияти тўғрисида”, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қонун даражасида белгилаш, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш максадида ўтган йилнинг сентябрь ойида “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Бирок, мазкур Қонун талабларини амалиётга жорий этиш имкониятлари, шунингдек фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолиятига доир мурожаатларини ўрганиш соҳада ҳамон ўз ечимини қутаётган қўлпа муаммо ва масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили ички ишлар органлари фаолиятини танқидий қайта қўриб чиқиш ва тубдан такомиллаштириш зарурлигидан далолат беришмоқда.

Миллий ва хорижий таъриба шуни кўрсатадики, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда техника воситаларидан фойдаланиш, ҳуқуқбузарликни содир этган шахс устидан назоратни қўйишнинг каби аънавий чора-тадбирлар жиноятчилик даражасини қамайтиришда ҳар доим ҳам қўлланган натижаларни бермапти. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида янги иш

усулларини қўллаш, аҳоли ва жамоатчилик билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бундай камчиликларни бартараф этиш ва ўз ечимини қутаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Фармонда мавжуд жиҳдий камчилик ва муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда салбий оқибатлари қўқур таҳлил қилинган.

Жумладан, республика, вилоят ва туман даражасидаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмаган, ички ишлар органларининг иш ҳажми ташкилий-штат тузилмасига мос келмайдиган. Бунинг оқибатида юқори бўғиндаги айрим бўлинмалар ходимлари ўз иш фаолиятида мавжуд куч ва имкониятларини тўлиқ ишга солмаётган бир пайтда, қуйи бўғин бўлинмалари ходимлари зиммасидаги хизмат вазифалари уларнинг ҳақиқий имкониятларидан анча юқорилигича қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда масъулиятнинг сусайишига сабаб бўлмоқда.

Ички ишлар органлари мансабдор шахслари, профилактика инспекторларининг аҳоли билан мунтазам учрашувлар ўтказмаётганлиги ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қилаётганлиги сабабли аҳолининг муаммо ҳамда ташвишларидан хабардор эмаслиги тизимнинг энг асосий вазифаси ҳисобланган профилактика ишларида жиҳдий камчиликларни юзага келтирмоқда.

Тизимда иш фаолиятининг самарадорлиги ва махсуддорлиги эришиш, авваломбор, аҳоли билан бевосита мулоқот ўрнатиш, фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлик ва ҳамжихатлигини йўлга қўйишни талаб этади.

Ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга етарлича эътибор бермаслик, бефарқлик, ишга юзаси муносабатда бўлиш ва расмийчилик, аҳоли билан мулоқот қилиш маданиятининг пастлиги, афсуски аччиқ ҳақиқатдир. Оқибатда бундай вазиятдан норози бўлган фуқаролар юқори ташкилотларга шикоят қилмоқда.

Фармонда бу каби муаммо ва камчиликларни ҳал этиш учун ички ишлар органлари тизимини ислох қилишнинг асосий йўналишлари

белгилаб берилди. Хусусан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган ижтимоий йўналишларини профессионал хизматга айлантириш зарурлиги, “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” ҳар бир ходимнинг асосий хизмат бурчи экани қайд этилди.

Шунингдек, Фармонда барча бўғиндаги ходимларнинг асосий вазифаларини оқилона қисқарттириш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган, аҳоли билан доимий манзилли мулоқот ўрнатиш, ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳокимият вакили органи тимсолида халқ олдида ҳисобот бериш амалиёти жорий қилиш, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника базасини янада яхшилаш каби асосий йўналишлар алоҳида белгилаб берилган.

Фармонда ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини янги тизими ўрнатилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини ешитиш тартиби жорий этилмоқда. Худди шундай, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлари Кенгаши ҳар чоракда тегишли ички ишлар органлари худудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини ешитади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботини, ҳар ойда эса унинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботини ешитади.

Ушбу эшитишлар давомида ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жиноятларни фож этиш, жиноятчилик ҳолатини, ҳуқуқбузарликлар қўйишга олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилишга доир қўрилатган чора-тадбирлар танқидий муҳокама қилинади. Эшитишлар якунлари бўйича ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, шунингдек мансабдор шахсларга нисбатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Ички ишлар органлари қуйи бўғини фаолиятининг самарадорлигини ошириш максадида Фармон билан туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлимаси) бошлиги лавозимини жорий этиш кўзда тутил-

моқда. Унинг зиммасига профилактика инспекторлари ишини, авваломбор, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишнинг самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга, Фармонда тизимда қатор ташкилий ўзгаришлар назарда тутилган. Айни пайтда дунёнинг турли минтақаларида халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг янги таҳдидлари пайдо бўлаётгани жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни ички ишлар органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш мумкин. Ушбу ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси негизда Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси ташкил этилмоқда.

Жиноятларни тергов қилиш ички ишлар органларининг яна бир муҳим вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан, тергов органларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ўз вақолатларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш максадида Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментига ўзгартирилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, кадрлар билан ишлаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими қоникорли даражада эмаслиги ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд камчилик ва муаммолар сабабларидан биридир.

Тизимга билимми, ўз ишига содиқ ва масъулият билан ёндашадиган, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи ҳамда асосий мажбурияти деб биладиган кадрларни жалб қилишга етарлича эътибор берилмапти. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, шунингдек кадрлар билан ишлашнинг янги тизимини яратиш максадида Кадрлар бош бошқармаси ва Ўз хавфсизлиги бошқармаси ташкил этилади.

Бундан ташқари, сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби фаолияти ҳам қайта қўриб чиқилди. Улар янги талабалар асосида фаолият юритиладиган ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ҳарбий-техника ва Ёнғин хавфсизлиги институтларига айлантирилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг халқаро алоқалари кенгайиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Бирок, буғунги кунгача вазирлигининг ушбу йўналишдаги фаолияти бир неча бўлинмалар томонидан иккинчи даражали вазифалар сифатида амалга ошириб келинган. Шулар эътиборга олиниб, Фармон билан тегишли таркибий бўлинмалар негизда Халқаро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилади.

Шунингдек, паспорт тизими талабларини амалга ошириш, хорижга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва бўлиш қоидаларини бажариш устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича ҳам муаммолар мавжуд. Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг аҳоли қўл мурожаат қиладиган туман (шаҳар) бўлимларида иш ҳажмининг тўғри тақсимланмаганлиги сабабли ноқулайликлар ва сансалорликлар юзага келмоқда. Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислох қилиш зарурлиги эътиборга олиниб, ушбу йўналишда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари етарли даражада бажарилаётгани кўп жиҳатдан асосий вазифаси мурожаатлар билан ишлаш ҳисобланган аниқ таркибий тузилманинг йўқлиги билан боғлиқдир. Бунинг оқибатида фуқароларнинг мурожаат

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ривожланган инфратузилмага эга. Унинг таркибида катта тажрибага эга лойиҳа, қурилиш, таъмирлаш, пудрат ташкилотлари, тармоқ моддий-техник таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар фаолият кўрсатади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Шарқ ва Ғарб ўртасидаги энг муҳим боғловчи бўлган ҳисобланади. Бу бўйин Хитой, Корея, Япония, Эрон, Туркия ва Ўрта Шарқ мамлакатларини транспорт алоқалари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Марказий Осиё ва бошқа мамлакатлар билан давлатлараро транспорт иқтисодий алоқаларини амалга оширишда ишончли ҳамкор сифатида намоён бўлди. Ўз навбатида, алоқа ва транспорт хизматларининг, айниқса, темир йўл хизматлари бозорининг юқори даражасини таъминлаш, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигининг кучайишига ва унинг халқаро ҳамжамиятда фаол иштирок этишига қўмаклашди.

Ҳозирги пайтда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти юрлар ва йўловчиларни ташиш бўйича ҳар қандай вазифаларни лозим даражада бажаришга қодир.

Темир йўл тармоғини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича ишлар мажмуасининг ўтказилиши сабабли бугунги кунда халқ ҳўжалиги юқларининг умумий юклаш ишлари ҳажмининг ўсиб бориши кузатишмоқда.

Мамлакатимизда транспорт салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар ўтказилмоқда, бу эса юртимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлайди. Унинг ҳажон ҳамжамиятидаги фаол интеграциясини таъминлайди.


Хусусан, мамлакат ичида аҳолига мўлжалланган арзон, қисқа ва қулай ташиш йўллари очиш мақсадида янги темир йўл тармоқларининг қурилиши асосий транзит темир йўл участкаларининг қайта тикланиши ва электрлаштирилиши давом этмоқда, янги йўналишларни ташкил қилиш, контейнер поездларини шакллантириш ишлари олиб боришмоқда.

Мамлакатнинг темир йўл транспорти орқали транспорт воситаларининг бошқа турларида ташилган барча юклардан ҳам

ортиқ юк ташилади. Айниқса юқларнинг экспорти ва импортида унинг аҳамияти улқандир.

Айни дамда Ўзбекистон буюртмаси билан олинган “Ўзбекистон” русумидаги электровозлар Тошкентдан Мароқандгача бўлган электрлаштирилган ҳудудларида “Регистон”, “Шарқ” ва “Насаф” сингари тезюрар йўловчи поездларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бу электровозларнинг бир қисми мамлакатимиз темир йўллариининг энг мураккаб ҳудудларида юк поездларини тортишда ишлатилмоқда. Янги ҳаракат таркибларининг самарали ва ишончли ишлаши натижасида йўловчилар ва халқ ҳўжалиги юқлари ўз манзилларига вақтида етказилмоқда. Айниқса, йўловчи ташиш поездларидаги авваллари бўлган



нат қилиниб, 223 километрдан иборат бўлган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қисқа даврда, ҳаммаси бўлиб 33 ойда, муддатидан икки йил олдин ишга туширилди.

Шунингдек, Мароқанд-Қарши, Самарқанд-Бухоро темир йўл участкалари электрлаштирилиб, мазкур йўналишларда юқлари тезликда ҳаракатланувчи электрпоезд қатнови йўлга қўйилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл орқали 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади.

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишидек улкан ва ғоят муҳим лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, транзит ва сайёҳлик салоҳиятини юқсалтириш ва темир йўл тармоғини янада ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги серкира, стратегик муносабатларни тобора юқори босқичга кўтаришга ва муттасил ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти юқларни жўнатиш ҳажми, юк айланмаси, экспорт хизматлари ҳажмини ошириб бажариш, сановат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, қабул қилинаётган инвестиция дастурларини ўз вақтида бажариш, темир йўллари ва бошқа техник воситаларни капитал таъмирлашни давом эттириш, янги вагон-цистерналар қуриш, ҳаракатдаги таркибларни модернизация қилиш ва уларнинг хизмат муддатини узайтириш бўйича ишларни давом эттириш, иш ўринлари сонини кўпайтириш каби вазифаларни бажаришда яхши натижаларга эришиш учун собитқадамлик билан фаолият олиб бормоқдалар.

Абдулҳақ ХОЛИҚОВ,
Тошкент темир йўл муҳандислари институти электралоқа ва радио кафедраси мудири, профессор,
техника фанлари доктори

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

нидек жадвалдан чиқиб кетиш ҳоллари-га барҳам берилди.

Ўтган вақт давомида бу электровозлар эскилари олдида тежамкорлиги билан ўзи афзалликларини намойиш этди. Мисол учун, локомотивлар учун сарфланадиган энергия камайди, локомотивлардан фойдаланишдаги ва уларга техник хизмат кўрсатишдаги сарфлар ҳам қисқарди, тезлик ҳам ошди. Шунингдек, юк поездлари учун олинган тепловозлардан йўловчи ташишда ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлинди.

Юртимиз пўлат изларида юқори қувватли ҳамда тежамкорликка қафолат берувчи электровозларнинг қатнаётгани ҳар томонлама самара бермоқда.

2007 йилда жанубий йўналишда ўта мураккаб ва йирик лойиҳа амалга оширилди – асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида туну кун мардона меҳ-

Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довои орқали ўтган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имкониятини яратди. Шу билан бирга, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Темир йўлнинг узунлиги 123,1 километри ташкил этиб, ушбу лойиҳа доирасида узунлиги 19,2 километрдан иборат бўлган темир йўл туннели ҳам барпо этилди.

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлигининг янада юқсалишида алоҳида аҳамият касб этди.

Инсониятнинг маънавий камол топишида оиланинг ўрни муҳим. Оила жамиятимизнинг ажралмас зарурий қисми, унда инсон дунёга келади ва вояга етади. Оила иккита муҳим вазифани, яъни фарзандларни дунёга келтириш ҳамда уларга муносиб тарбия беришни йўлга қўяди. Оиланинг негизи – никоҳ ҳисобланади.

ХОНАДОНЛАРИМИЗНИНГ НУРЛИ ЧИРОФИ

Оиланинг мустаҳкам бўлиши учун никоҳ соф ниёт билан ҳар иккита томоннинг хоҳиш-розилиги билан тузилади. Никоҳ бу фақат никоҳланувчиларнинг шахсий иши эмас, унинг замирида ижтимоий манфаат – учинчи шахс, буюк давлат қурувчи янги авлод тақдири ётади. Демак, буюк давлат тақдири оилада куртак отади. Истиқлол – маърифатнинг нури, даставвал хонадонларни ёритмоғи лозим. Чунки бугунги кунда ҳар бир оилада фарзанд ўстираётган ота-она Ватан истиқболини, миллат ва мамлакат тақдирини яратмоқда. Шундай экан оилавий тарбия, оилада маънавий муҳитни соғломлаштириш давлат миқёсидаги эзгу вазифадир.

Никоҳ оиланинг вужудга келишининг бирдан-бир асоси, омили бўлиб хизмат қилади. Никоҳ муносабатлари қанчалик соф, эркин, ихтиёрли, шунингдек, давлат томонидан қўйилган талабларга монанд равишда тузилган бўлса, у оиланинг илдизи ҳам мустаҳкам бўлади. Шунингдек, ушбу оилада вояга етадиган фарзандлар ҳам комил инсон бўлиб етишадилар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-

Саломатлик

ПАТРОНАЖ ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни патронаж тизими билан қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари масалаларига бағишланган мажлисларда билдирилган танқидий мулоҳазалар ва қўйилган вазифалар ижросини ўлқамалга ошириш борасида жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини ўлқам патронаж тизими билан қамраб олиш, касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, сурункали касалликлар билан оғри-

моддасига биноан, никоҳ ёши аёллар учун 17 ёш, эркеклар учун 18 ёш қилиб белгиланган, 13-моддасига мувофиқ эса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилган никоҳгина тан олинади.

Никоҳ давлат ва жамоат манфаатларини қўзлаб, эр билан хотиннинг, боланинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари тузилади.

Соғлом оилани шакллантириш, оилани мустаҳкамлаш, келажақда келиб чиқиши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш, ёшларнинг никоҳ тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиришда уларнинг ҳуқуқий, маънавий ва тиббий билимларини янада ошириш борасида ҳар бир ФХД бўлимлари ва Никоҳ уйларида “Ёш оила мактаб”лари ташкил этилган. Ушбу мактаб машғулотларига турли соҳа мутахассислари жалб этилиб келинмоқда.

Зилола ЮЛДАШЕВА,
Ўтпета тумани ФХД
бўлими 1-тоифали инспектори

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолияти тубдан такомиллашди. Бу жараёнда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга эътибор янада қўйилди. Соҳа фаолиятини ташкил этишга замон талабларига жавоб берадиган янги ёндашувлар татбиқ этилмоқда. Жиноятчиликка қарши курашишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, профилактика инспекторларининг бевосита аҳоли орасида иш олиб боришини ташкил этишга доир чора-тадбирлар қўйилган самарани бера бошлади. Жорий йилнинг ўтган даврида 5,2 мингдан зиёд маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмагани фикримизни тасдиқлайди.

Ички ишлар вазирлиги, соҳавий хизматлар масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда ички ишлар органлари олдида турган долзарб вазифалар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА

Реклама ва эълонлар

“Auto Gold Grant” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очик аукцион савдосига таклиф этади!

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2017 йил 26 апрель кун соат 11.00да тақдоран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар Яшнобод туман суд ижроси бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт ва маҳсул техника воситалари Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 02.11.2015 й №10-1518/19581-сонли ва 23.02.2015 й №10-1417/24113-сонли ижро ҳўжатларига асосан қўйилган. 1. “ТТЗ-80 10” р-ли трактор 2004 йилда и/ч, д/б 26-50 ЕГ, 6/6 48 100 000 сўм. 2. “ТГ-124” р-ли трубокладчик 1996 йилда и/ч, д/б 26-20 ЕД, 6/6 101 380 473,60 сўм. 3. “SL-200W-III” р-ли экскаватор 1996 йилда и/ч, д/б 30-27 ФК, 6/6 181 036 560 сўм. 4. “2 ПТС-4-793А” р-ли тиркама 2004 йилда и/ч, д/б 23-85 ФК, 6/6 8 000 000 сўм. 5. “DX140W” р-ли экскаватор 2013 йилда и/ч, д/б 54-80 НГ, 6/6 572 944 505,09 сўм. 6. “Дамас DLX” р-ли, оқ рангли, 2005 йилда и/ч, т/н, д/б 01 076 VAA, 6/6 23 516 117,06 сўм. 7. “Нексия донс” р-ли, 2004 йилда и/ч, т/н, д/б 01 015 VAA, 6/6 30 569 313,80 сўм. 8. “Дамас DLX” р-ли, оқ рангли, 2005 йилда и/ч, т/н, д/б 01 074 VAA, 6/6 23 516 117,06 сўм. 9. “КС-3577-2-1” р-ли, сариқ рангли, 1988 йилда и/ч, д/б 01 759 PBA, 6/6 89 250 000 сўм. 10. “MA3 30509” р-ли, сариқ рангли, 1990 йилда и/ч, д/б 01 092VAA, 6/6 34 829 160,48 сўм. 11. “АВ-ТОПРИЦЕП”, хаворангли, 1967 йилда и/ч, д/б 01 0756 AA, 6/6 3 710 000 сўм. 12. “ЗИЛ-130” ўзигадариқ, 1984 йилда и/ч, д/б 01 316 САА, 6/6 25 153 333,33 сўм. 13. “ЗИЛ-130” бортли р-ли, хаворангли, 1966 йилда и/ч, д/б 01 315 САА, 6/6 25 153 333,33 сўм. Яшнобод тумани, Иззат кўчаси, 58-уйда сақланмоқда.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 23.03.2016 й №10-1618/2201-сонли ижро ҳўжатларига асосан: 1. Газ-5227 р-ли, хаворанг, 1986 йилда и/ч, т/н, д/б 01 028 ECA, юк авто-на 6/6 – 4 331 250 сўм. 2. Газ-2705 р-ли, хаворанг, 1998 йилда и/ч, т/н, д/б 01 027 ECA, юк авто-на 6/6 – 14 568 750 сўм. 3. Газ-5227 р-ли, хаворанг, 1986 йилда и/ч, т/н, д/б 01 024 ECA, юк авто-на 6/6 – 3 937 500 сўм. 4. “Опель Омега” русумли, енгил, 2002 йилда и/ч, т/н, д/б 01 021 ECA бўлган 6/6 – 23 025 600 сўм. Яшнобод тумани, Фарғона йўли қўчаси, 15/12-уйда сақланмоқда. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 25.05.2015 й №10-1501/6357-сонли ижро ҳўжатларига асосан: 1. Газ-52 р-ли, 1987 йилда и/ч, т/н, д/б 01 428 QCA, юк авто-на 6/6 – 6 483 750 сўм. 2. Нексия р-ли, қизил рангли, 1999 йилда и/ч, т/н, д/б 01 247 BCA, енгил авто-на 6/6 – 19 707 750 сўм. 3. ЗИЛ-130 р-ли, яшил рангли, 1986 йилда и/ч, т/н, д/б 01 248 BCA, юк авто-на 6/6 – 22 420 000 сўм. 4. Дамас р-ли, оқ рангли, 2004 йилда и/ч, т/н, д/б 01 249BCA, енгил авто-на 6/6 – 20 775 600 сўм. Яшнобод тумани, С.Махшадий кўчаси, 210-уйда сақланмоқда. Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 24 апрель кун соат 16:00 да тўхтатилади.

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2017 йил 11 май кун соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар Яшнобод туман суд ижроси бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 15.02.2016 й №10-1618/23435-сонли ижро ҳўжатига асосан қўйилган. “Ласетти” р-ли, оқ кора рангли, 2015 йилда, и/ч, д/б 01 721 XDA, 6/6 53 202 374 сўм. “Ласетти” р-ли оқ кора рангли, 2015 йилда и/ч, д/б 01 723 XDA, 6/6 51 197 573 сўм. “Шаркли мелиса” МЧЖ да сақланмоқда.

ЖИБ Сергели туман судининг 16.01.2016 й №1-1042/17-сонли ижро ҳўжатига асосан, “Каптив” р-ли оқ рангли, 2013 йилда, и/ч, д/б 01Y207HA, 6/6 105 600 000 сўм. “SPACE ARSENAL SERVICE” МЧЖда сақланмоқда. “Спарк” р-ли, 2013 йилда, и/ч, д/б 01Y484HA, 6/6 31 500 000 сўм. 8-автосаройда сақланмоқда.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 16.01.2016 й №1-18/1042/17-сонли ижро ҳўжатига асосан, “DAEWOO ESPERO” р-ли, 1997 йилда, и/ч, д/б 01 090 RAA, 6/6 11 271 673 сўм. Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчаси, 22А-уйда сақланмоқда. Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 8 май кун соат 16:00 да тўхтатилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижросчилари вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳўжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган “закалат тўғрисидаги келишув”га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳўжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳўжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Auto Gold Grant” МЧЖнинг АИТБ “Ипак йўли банк” Мировод филиалидаги 2020 8000 2004 2284 9001 ҳисоб рақами-га МФО: 01101, ИИН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

(Ўз мухбиримиз)

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида унинг фаолияти ва шу кунларда Кореяда меҳнат қилиш истагини билдирган фуқароларни рўйхатга олишга оид жараён бўйича матбуот анжумани ўтказилди.

Маълумки, Конституцияимизнинг 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”, дейилган. Дарҳақиқат, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва адолатли шaroитда ишлаш ҳуқуқи – инсоннинг конституциявий ҳуқуқидир.

2006 йил Ўзбекистон ва Корея Республикалари Меҳнат вазирлиги ўртасида Жанубий Кореяга бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи юбориш тўғрисида меморандум имзоланган бўлиб, мазкур меморандум ҳар икки йилда узайтириб келинмоқда. Ушбу меморандум доирасида 2007-2016 йиллар давомида эркин ёллаш тизими бўйича корейс тили тестлари ташкиллаштирилиб, улардан муваффақиятли ўтган 27 мингдан зиёд юртоқшимиз Корея Республикасида ишга жойлаштилди.

Агентлик фақатгина Корея давлати билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ҳозирги кунда бир неча йўналишда иш олиб борган ҳолда Япония билан ҳамкорликни кенгайтириш доирасида 2012 йил 28 майда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳамда Япониянинг таълим соҳасидаги ҳамкорлик бўйича халқаро ташкилоти (JITCO) ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланган.

Агентлиكنинг яна бир муҳим шерикларидан бири Россия Федерацияси ҳисобланади. Икки давлат ўртасида миграция соҳасидаги ҳамкорликни тартибга солиш мақсадида 2007 йилнинг 4 июлида “Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги меҳнаткаш-мигрант фуқароларнинг меҳнат фаолиятлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги келишув имзоланган. Республикаимиз фуқароларининг Россия Федерацияси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уларни ишга ёллашни ташкиллаштириш тўғрисида битим лойиҳаси қўриб чиқилиб, имзоланган босқичида турибди.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Польша Республикасида меҳнат миграциясини йўлга қўйиш имкониятларини ўрганди. Польша давлатига миграцияни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган барча масалалар батафсил муҳокама қилинди. Польша вакиллари келгусида малакали кадрларни ишга қабул қилиш билан чекланмай, Ўзбекистон бозорига инвестиция киритиш мақсадида маҳаллий етакчи компанияларни жалб қилишларини билдирди.

Шунингдек, чет эл мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Туркия, Чехия, Ўмон Султонлиги ва бошқа давлатлар билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик ўрнатилмоқда.

Фуқаролар билан алоқаларни янада яхши йўлга қўйиш мақсадида Агентлик раҳбарининг виртуал қабулхонаси очилди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Корея Республикаси 2017 йил учун 3000 кишига квота ажратган. Ишга боришни хоҳловчилар онлайн рўйхатдан ўтиш имконига эгалар. Бу борада босқичма-босқич иш ташкил этилмоқда.

Ш. ЗОКИРОВ

“Камолот”

АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР
ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ёшлар қалбиди миллий ғоя, миллий урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши томонидан “Аслонхон ота” гузаридида “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” лойиҳаси доирасида фестивал ташкил этилди.

Фестивалда тумандаги олий таълим муассасалари талабалари, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчи-ёшлари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, Ҳаракатнинг фаол ва ташаббускор ёшлари “Хуш келибсиз, хурматли меҳмон” деб номланган миллий таомлар дастурхони, “Наврўз ва болалар” деворий газеталар танлови, “Миллий қадрият, урф-одат” каби мавзуларда анъана ва урф-одатларимизни моҳирона тарзда намойиш этилди.


Фестивалнинг танлов шартлари бўйича ғолибларга “Камолот” ЁИХ туман Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Шу каби тадбирлардан яна бири Олмазор туманидаги 326-умумтаълим мактабидида ташкил этилди.

Мазкур фестивалда туманда жойлашган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллеж ва академик лицейларидан ташириф буюрган гуруҳлар миллий анъаналаримизни тарғиб этган ҳолда ўзаро беллашдилар.

– Бугун ёшлар даврасига кирганда албатта, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақида гап очилади, – дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши раиси Ш.Мухамедов. – Ҳаракат ёшларимизнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари ва мақсадларини рўёбга чиқаришга кўмаклашувчи куч сифатида майдонга келиб, бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” лойиҳаси доирасида Ҳаракат қошидаги барча таълим муассасаларида “Варақлар сайли”, “Миллий халқ ўйинлари”, “Ҳар бир ёшга бир ниҳон”, “Юртни обод этаман” тадбирлари ўтказилди.

Фестивалда “Оқ теракми, кўк терак?”, “Арғимчоқ” ва бошқа жамоавий ўйинлар ташкил этилиб, ўқувчилар ўртасида мамлакатимизнинг ҳар бир



вилоятининг ўзига хос урф-одатлари, миллий қадриятлари акс эттирилган сахна кўринишлари намойиш қилинди.

Фестивалнинг танлов шартлари бўйича ғолиблар ҳамда номинатсиялар эгаларига “Камолот” ЁИХ туман Кенгаши томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Иштирокчилар анъаналаримизга содиқлик, урф-одатларимизни авлоддан-авлодга етказиш учун яратилган барча манбалардан фойдаланиб, тайёргарлик кўришганини намойиш этилди. Миллий анъана ва урф-одатларга ҳурмат руҳида камол топган авлод келажакимизнинг бахтли вакиллари айлланиши шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА

РАНГ-БАРАНГ ХИЗМАТЛАР
КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар мажмуасида “EventEXPO – 2017” биринчи ихтисослаштирилган кўргазма ташкил этилди.

Унда турли тантаналар, тадбирлар, тўй ва маросимларни ўтказишга ихтисослаштирилган хусусий корхона ва фирмалар, компаниялар ўз махсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазма экспозицияси гулчилик, хордиқ, чиқариш, либослар ва мода, “Гўзаллик салонлари”, никоҳ ва тўй маросимлари учун турли хизматлар кўрсатиш каби бўлимлардан таркиб топган. Бу ерда элликка яқин компания ва фирмалар, хусусий корхоналар фаолияти билан танишиш, ишбилармон доираларнинг ўзаро мулоқот ўрнатиши ва ҳамкорликни янада кенгайтириши учун қўлай имконият яратилган.

“Замирахон – Робияхон” оилавий корхонаси тошларга махсус ишлов бериш, уларни турли шакл ва кўринишларга келтириш билан шуғулланади. – Майда тошчалар ўсимликлар илдиридаги намликни сақлашда, аквариумларда, гул ва ўсимликларни безакли-декоратив тарзда етиштиришда ғоят қўл келади, – дейди оилавий корхона раҳбари Юсуфхон Тавбаев. – Ушбу кўргазма янгидан-янги ҳамкорларни топишда, улар билан шартномалар имзолашда фойдали бўлмоқда.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги “Богдорчилик маркази” фирмаси ховли-хонадонлар, идора ва офислар, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, санаторийлар, меҳмонхоналарга декоратив гуллар, кўркам ўсимликлар ва кўчатлар етказиб бериш билан шуғулланади.

– Юртдошларимизнинг талаби ва эстетик диди жуда баланд, – дейди ЎЗА муҳбирига манзарали гуллар бўйича дизайнер-мутахассис Сурайё Ёдгоров. – Декоратив гуллар, ўсимликларнинг ландшафт безагига эҳтиёж ғоят юқоридир. Кўргазмада ўз муассаса ва идорасини декоратив гуллар билан безаш истагидаги бир қатор ташкилотларга, фуқароларга марказимиз ҳақида тўлақонли маълумотларни тақдим этмоқдамиз. Шу ернинг ўзига гул етиштириш учун махсус сопол идишлар, минерал ўғит тайёрловчи, гуллар савдоси билан шуғулланувчи фирмаларнинг жамлангани келгуси ишимиз учун жуда қўлайдир.

Тадбиркорлик учун яратилаётган қўлай имтиёз ва имкониятлар Қиёрай туманида фаолият кўрсатувчи “Soft Grass” оилавий корхонаси муваффақиятида ҳам асосий омил бўлмоқда.

– Ўсимликлар учун калий, фосфор, азот каби моддалар ғоят муҳимдир,

– дейди оилавий корхона раҳбари Ботиржон Пулатов. – Корхонамизда минерал ўғитлар қадокланади. Махсулотимиз гул дўконлари, супермаркетлар орқали реализация қилинади. Ўсимликларнинг ўсиши, ҳосилдорлиги, ташқи кўриниши, ташқи муҳитга таъсирчанлиги кўп жиҳатдан минерал ўғитларга боғлиқ.

Миллий анъана ва қадриятларимизга бўлган эътибор ҳунармандликнинг тобора гуллаб-яшнаши, бу борада унутилган мактаб ва йўналишларнинг қайта тикланишида асосий омил бўлмоқда. Эндиликда кўзни қувнатувчи атлас ва адрас либослар, кўркам камзул ва костюмларни наинки ўзбекистонлик опа-сингиллар, балки хоризжлик хотин-қизларнинг эғнида ҳам учратамиз. Шоҳида Султонова шу каби либосларни ишлаб чиқарувчи “Миллий буюмлар” оилавий корхонасида раҳбар. Бежирим миллий либослар, сумкачаларни тайёрлашда, кийимлар учун мос аксессуарлар яратишда унга келин ва қизлари яқин дастёр бўлса, ўғиллари энг яхши матоларни етказиб беради. Ипак, ярим ипак, пахта толали матолардан тикилган бу либослар ювилганида ҳам ўз кўринишини сақлаши билан диққатга сазовор. Шунинг учун ҳам “Миллий буюмлар” экспозициясидан одам аримайди.

– Корхонамизда кичик ёшдаги қизчалардан тортиб нуруний онахонлар учун ҳам либослар тайёрланади, – дейди Ш.Султонова. – Фаолиятимиз деярли буюртма асосида олиб борилади. Шу билан бирга Россия, Қозғистон, Туркия каби мамлакатлар билан ҳам кенг ҳамкорлик ўрнатганмиз. Юртимизда тадбиркорлар учун яратилган қўлай имкониятлардан руҳланиб, меҳнат қилмоқдамиз.

“Афсун” хусусий корхонасида саломатликка оид ва косметик воситалар ишлаб чиқарилади.

– Корхонамизда асосан мамлакатимизда ўсадиган ўсимликлардан олинадиган организмни тозаловчи, қувватлантирувчи воситалар, крем, шампунь, махсус косметик совун, микроэлементлар билан бойитилган кукурлар, турли парфюмерия воситалари ишлаб чиқарилади, – дейди корхона менежери Барно Турсунова. – Улар табиийлиги, экологик хавфсизлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бугунги кўргазма янги ҳамкорлар топиш билан бирга, юридик, банк-молия, солиқ қонунчилигига оид маслаҳатлар олишда ҳам жуда фойдали бўлмоқда.

Н.УСМОНОВА

Спорт янгиликлари

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Келгуси йили 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Осиё чемпионатида саралаш учрашувлари жорий йилнинг 31 октябрь – 8 ноябрь кунлари уюштирилади. Ушбу мусобақага тайёргарлик кўриш мақсадида Александр Мочи-

нов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоамиз 16-21 апрель кунлари Сербияда ўқув-машғулот йиғинида иштирок этади. Шуниси эътиборлики, йиғин доирасида Алек-

сандр Мочинов шогирдлари Сербия ёшлар терма жамоасига қарши 2 та назорат-ўртоқлик учрашувида майдонга тушилади. Ушбу беллашувлар 18, 20 апрель кунлари ўтказилади.

“ЧЕЛАНО-2” ЖАМОАСИ МАМЛАКАТ
ЧЕМПИОНИ

Футзалли болалар ва ўсмирлар ўртасида янада оммалаштириш мақсадида пойтахтимизда 12 ёшгача бўлган болалар ўртасида Ўзбекистон чемпионати уюштирилди.

Унда олти жамоа иштирок этди. Пойтахтимиз шарафини “Челано-2”, “Пахтакор – 2006”, “Пахтакор – 2008”, “Челано” жамоалари ҳимоя қилишди. Уч кун давом этган турнирда пухта тайёргарлик кўрган “Челано-2” жамоаси барча учрашувларни муваффақиятли ўтказди. Уч ўйинда ғалаба ва икки ўйинда дуранг қайд этган “Челано-2” би-

рор марта мағлубиятга учрамади ҳамда 11 очко билан биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, учта ўйинда ғалаба қайд этиб, икки учрашувида рақиблари билан мурося йўлини танлаган, аммо бирор бахсда рақибларидан енгилмаган “Пахтакор-2006” жамоаси ҳам 11 очко жамгарди ва фахрли иккинчи ўринни банд этди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Реклама ва эълонлар

“KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI” MЧЖ
Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тахлил этади!

Аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2017 йил 26 январь №2637/18-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги уй-жой қўйилмоқда.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Мерганча кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони 378 кв.м. бўлган 1 қаватли уй-жой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 300 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 15 май соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 12 май кун соат 18:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлганда миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Koc'chmas mulk savdo xizmati” MЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг “Ипак йўли банки” АИТБ Сағбон филиалидаги ҳ.р. 20208000409260609021, МФО 01036, СТР 2071225154 да тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тел: (0597) 774-35-53. www.1kms.uz. rieltstavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРИ
ОШМОҚДА

Мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни асраш, экологик назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги Яшнобод меҳмонхона ҳўжалиги касб-хунар коллежида 7 апрель – Жаҳон саломатлик кунига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида бу алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими, Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Экоҳаракат фаоллари, Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, тиббиёт ходимлари, ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари А.Низомов ва бошқалар мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, экологик назоратни кучайтириш, бу жараёнда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатлари олдини олиш мақсадига катта эътибор қаратилмоқда. Аҳоли саломатлиги, экотизимлар ва атроф-муҳитнинг табиий ҳолатини сақлаш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда мазкур соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, улар “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Чиндилар тўғрисида”ги каби қонунлар билан тартибга солиб келинмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик мувозанатни таъминлашдек муҳим ижтимоий масалалар рўйида салмоқли ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш йўналишларида қўллаб-қўллаб ҳаётга татбиқ этилаётгани фикримиз тасдиқидир. Ёшларнинг экологик ва эстетик маданиятини юксалтириш мақсадида истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, сув ҳавзалари ва бошқа жамоат жойларини озода сақлашга қаратилган “Юртимизни обод қилайлик!” ширiori остида амалий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Мактаб ўқувчилари ўртасида “Онажоним табиат”, олий ўқув юртлари талаба-ёшлари ўртасида “Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши ғоя”, “Тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва экология” мавзуларида танловлар ташкил этилмоқда.

Давра суҳбатида мутахассислар экологининг ифлосланиши оқибатида юзага келадиغان муаммолар, таълим муассасалари ҳудудида экобоғлар яратиш, ёшларга манзарали даракт, гул қўчатлари экиш ва парвариш қилишни ўргатиш, уларнинг ободонлаштириш, кўкчаларда муҳитни яхшилашда фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

ГЕРМАНИЯЛИК
ШИФОКОРЛАР КЎРИК
ЎТКАЗДИ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг тиббий-ижтимоий марказида Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти мутахассислари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказди.

Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

“Соғлом авлод учун” фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти ҳамкорлигида 12 ёшгача бўлган бемор болалар самарали даволаниб, реабилитация қилиб келинмоқда.

– Ташрифимиз доирасида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлиб, бемор болаларни кўриқдан ўтказдик, – дейди “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти директори ўринбосари Кевин Дахлбрук. – Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига ҳам боришни режалаштирганмиз. Мамлакатингиз шифокорлари билан ҳамкорликда бемор болаларни соғлом ҳаётга қайтаришдан маннунмиз.

Тиббий-ижтимоий марказда туғма нуқсонли, куйиш ва жароҳат асоратларидан азият чекаётган болалар тиббий текширувдан ўтказилди, мутахассислар томонидан тавсиялар берилди. Уларнинг айримлари Германия клиникаларида даволанадиган бўлди.

(ЎЗА)



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 12 апрель кунини ҳаво ўзгариш турари, кеча бориб ёнғир, жала ёйиши мумкин. Ҳарорат секундига 5-10 метр тезликда, жала вақтида қулайан ҳолда секундида 12-17 метр тезлик-

да шамол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 10-12, кундузи — 21-23 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 12 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси наст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-28-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига «Тошкент почтантига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г- 435

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10118 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14:20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ